



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 15-aprel, seshanba,
44 (24.070)-son

O'zbek xalq
maqoli

Ko'pning
kuchi ko'lday,
ko'chib yurgan
yelday

“МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ”

Кичик Мундиёндаги ўрта мактабда республика
миқёсида китоб тақдимоти ўтказилди



Гап биринчи даражали Давлат адлия маслахатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли давлат арбоби Алишер Мардиев ҳақидаги шу номли китоб устида бормоқда. Бу китоб республика Судьялар олий кенгаши томонидан тайёрланган.

Ўша куни А.Мардиев ўқиган 25-мактаб чинакам байрам тусини олди. Бу ерда ўқувчи ва ўқитувчилардан ташқари кишлоқ фаоллари, А.Мардиевнинг синфдошлари, кўплаб зиёли ва ижодкорлар тўпландилар. Синфхоналари айланиш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан

суҳбатлар, болаларга китоблар, спорт анжомлари тарқатилиши ҳамманинг ёдида қоладиган бўлди. Меҳнат фахрийлари йигит-қизларга ўз ҳаётларида содир бўлган машаққатлар ва уларни енгиб ўтишдаги завқу шавқлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Китоб тақдимоти чинакам маърифий тус олди. Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров, китоб муҳаррири, журналист Арслон Эшмуродов, Каттакўрғон тумани ҳоқими Жамшид Насриддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, ҳуқуқшунос-шоир Хол Мухаммад Ҳасан, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Музаффар Ҳамдамов ва бошқалар Алишер Мардиев ҳаётининг ибратли томонлари, иқтидорли шоғирдлари ҳақида фикр юритдилар. Шунингдек, анжуманда давлатимиз раҳбарининг ёшлар тарбияси, таълим олиши борасида кўрсатаётган ғамхўрликлари тилга олинди.

- 1993 йилда меҳнат фаолиятимни Пахтачи тумани прокурорининг ёрдамчиси сифатида бошлаган бўлсам, адлия вазири, вилоят ҳоқими, вилоят судининг раиси ва вилоят адлия бошқармаси бошлиғи бўлганимда ҳам ана шу қадрдон мактабда олган таълим-тарбиям менга ҳамиша мадад бўлган. Ҳозир ҳам уни ўзимнинг иккинчи уйим деб биламан, - дейди А.Мардиев.

- Бу тадбир ҳам давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида ташкил этилмоқда, - дейди Х.Ёдгоров. - Биз суд соҳасида катта тажрибага эга бўлган, ҳалол меҳнати билан ҳамкасблар ва аҳоли ҳурматиға сазовор бўлган юристлар фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш баробарида ёшларнинг бу касбга бўлган ҳурматиға кучайтиришни ният қилганмиз. Насиб этса, мактабда А.Мардиев синфини очиш ниятимиз бор. Мавриди билан бу ерга таниқли ҳуқуқшунослар келиб ҳалоллик, поклик, ҳуқуқий билимлар ҳақида суҳбатлар уюштиришади.

Хилола ЭРГАШЕВА.



Qozog'istonlik jurnalistlar Samarqandga keldi

Qozog'iston Respublikasining Turkiston viloyatida 2 milliondan ziyod aholi istiqomat qilsa, ularning aksariyatini o'zbeklar tashkil etadi. Shu bois bu yerda keyingi yillarda "Janubiy Qozog'iston", "Chimkent ovozi", "Jamiyat va ma'rifati", "Janub jarchilari", "Diyor axboroti", "Maktabdosh", "Robita" kabi o'zbek tilidagi gazetalar chop etib kelingan.



Ular orasida "Janubiy Qozog'iston" gazetasi alohida o'ringa ega. Turkiston viloyatining bosh nashri hisoblangan mazkur gazeta Qozog'iston mustaqillikka erishgan - 1991-yildan buyon chop etib kelinmoqda. Bugungi kunda ushbu nashr 11 ming 400 nusxada bosilib, viloyatning bitta shahar va yettita tumaniga tarqatilmogda.

"Janubiy Qozog'iston" gazetasi tahririyati jamoasi dastlab Samarqand shahrining diqqatga sazovor joylari, tarixiy maskanlar, tabarruk qadamlar hamda keyingi yillarda bunyod etilgan inshootlarni tomosha qildi. So'ngra viloyat Matbuot uyida bo'lib, Samarqand matbuoti, uning tarixi, viloyat gazetalarini faoliyati, tajribasi bilan tanishdi.

- Samarqand nafaqat o'zining tarixiy obidalarini va ziyoratgohlari, balki jurnalistikasining tarixiyligi bilan ham ahamiyatli, - deydi "Janubiy Qozog'iston" gazetasi bosh muharriri Rayimjon Aliboev. - Viloyat matbuot muzeyida Samarqand jurnalistikasining tarixi, rivojlanish bosqichlari, 100 yil oldin foydalanilgan fotoapparatdan tortib, qalamdonlarga qo'yilgan bitta so'z hamda qaratilgan yuksak e'tibor namunasidir. Ochiq'i, bundan 10 yilcha avval hamkasblarimiz "Zarafshon" gazetasi - 100 yillig munosabati bilan o'tkazilgan tadbirlarda ishtirok etib, Turkistonga "Biz "Zarafshon"danmiz" deb nomlangan kitobni olib borishgandi. Unda Mahmudxo'ja Behbudiydan tortib, mustaqillik yillarida gazeta muharriri bo'lgan Mardi Nuriddinovgacha ijodiy faoliyat yuritgan jurnalistlarning maqolalarini o'qib, undan zavq va tajriba olganmiz. Kitobda chop etilgan o'tkir fikrli maqolalarni gazetamiz sahifalarida ham chop etganmiz.

Shu yilning 1 maydan Qozog'iston aviakompaniyasi tomonidan Samarqand va Turkiston shaharlarida muntazam aviaqatnovlar boshlanishi, buning natijasida hududlar o'rtasidagi nafaqat iqtisodiy aloqalar yoki turizm sohasini rivojlantirish, balki matbuot yo'nalishi va ijodiy hamkorlik qilishda ham ulkan imkoniyatlar yaratilishi e'tirof etildi.

O'z muxbimiz.

Qo'shrabotda oqova suv tarmoqlari

loyihalari qachon amalga oshiriladi?

Bir necha yillar ilgari Qo'shrabot tumanida ko'pqavatli uylar qurila boshlangandayoq aholini markazlashgan ichimlik suvi bilan ta'minlash va oqova tizimlari bunyod etish ishlari boshlangan edi. Bu davrda o'nlab ko'pqavatli uy-joylar qurilib, foydalanishga topshirildi, aholi toza ichimlik suvi bilan ta'minlandi. Biroq markazlashgan oqova tarmoqlari qurilishi faqat loyihalarda qolib ketdi.



Qo'shrabot tumanida 51 ta ko'pqavatli uyda aholi istiqomat qiladi. Jumladan, Zarkent mahallasidagi 38 ta uy-joyning 10 tasiga Navoiy kon-metallurgiya korxonasi qarashli Zarmitan uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish bo'limi, 11 ta uyga esa harbiylarning maxsus bo'linmasi kommunal servis xizmatlari ko'rsatadi. Shuningdek, "Qo'shrabot kelajagi" boshqaruv servis kompaniyasi Zarkent, Mustaqillik, Namuna va Buloq-boshi mahallalari hududida joylashgan 30 ta ko'pqavatli uylarga mas'ul.

- Barcha uylar toza ichimlik suvi, 26 ta uy-joy esa markazlashgan issiqlik tizimiga ulangan, - deydi tuman qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limi bosh mutaxassisi Shahzod Qarshiyev. - Qolganlari ikki konturli gaz pechlari va elektr energiyasi bilan isitiladi. 13 uyni hovli to'lasida mavsumiy yomg'ir sel suvlari kirishi va oqova tarmog'idagi nosozliklar bartaraf etildi. Beshta ko'pqavatli uyni 100 metr oqova tarmog'i nishoblari e'tiborga olinib, qayta qurildi. 1 ta uyni hovli shu uyda yashovchilar tomonidan hashar yo'li bilan qayta betonlashtirildi.

Tuman markaziga kirishda 2019-yilda foydalanishga topshirilgan 2 ta ko'pqavatli uyda obodonlashtirish ishlari olib borilgan. Uy orqasidagi bo'sh maydonda turli

ko'katlar, gul va daraxt ko'chatlari o'tqazilgan.

- So'nggi vaqtlarda ertalab va kechqurunlari elektr energiyasi ko'p o'chirildi, - deydi 2-uyda yashovchi Nuqra Uralova. - Kamiga uch kundan buyon ta'biy gaz ham o'chirildi. Ayniqsa, kechqurun ovqat qilishning iloji yo'q.

Shu uy yoniga boraversangiz, badbo'y hidga chidab bo'lmaydi. Chunki kanalizatsiya quduqlari ancha vaqtdan buyon tozalanmagan. Beton ariqlar xas-xashak va tuproq bilan to'lib qolgan, sport va bolalar maydonchasi, chiqindi qutlari yo'q. Ma'lum bo'lishicha, mazkur uylarda yashovchilar «Toza hudud» DUK tuman bo'limi bilan suyuq chiqindilarni tashib ketish bo'yicha o'zaro shartnoma qilmagan ekan.

Ko'p qavatli uylarga 2017-yilda tashkil etilgan Qo'shrabot xususiy uy-joy mulkdorlari shirkati tomonidan xizmat ko'rsatilgan. Ular o'z vazifalarini udda qilolmagach, «Farangiz original mebel» xususiy korxonasi qarashli sanitariya tashkilotiga o'tkazilgan. Ular ham ko'pqavatli uylarning «og'ir» yukini tortolmagach, «Qo'shrabot kelajagi» boshqaruv servis kompaniyasi tashkil etildi.

Kompaniya tashkil etilganida ko'pchilik qo'shrabotliklar «Endi muammolarimiz o'z yechimi-

“Zarafshon” bong uradi



ni topadi», deb xursand bo'lishgan edi. Biroq eski hammom, eski tos degandek, hanuzgacha o'zgarishlar sezilmaydi. Yangi tashkilotda maxsus texnika va ishchi-xizmatchilar yetarli emas.

- Ishni ikki oy ilgari 273 million so'm qarz bilan boshlagandim, - deydi «Qo'shrabot kelajagi» boshqaruv servis kompaniyasi boshlig'i Erkin Rahmatov. - Hozirda barcha ko'pqavatli uylarda xatlovni amalga oshiryapmiz. 27 ta uyni 3 tasi «billing» tizimiga ulanmagan. Aholidan qarzlarni undirish qiyin bo'lyapti. Ular bizdan kommunal xizmatlarni bajarishni talab qilishmoqda. Bizning esa imkoniyatimiz yo'q. Banklardan olingan qarzlarni tufayli ajratmayapti. Mustaqillik mahallasidagi 2 uyni fasad qismi, 1 ta uyni kanalizatsiya tarmog'i ta'mirlandi.

Hozirda Buloqboshi mahallasidagi 4 ta ko'pqavatli uy lokal kanalizatsiya tarmog'iga ulangan. Qolganlarining oqovalari uylar yonida qurilgan 40 kub/metrlik quduqlarga tashlanadi.

- Tuman markazidagi 3 ta mahalladagi 30 ta ko'pqavatli uyda yashovchilar hamda tadbirkorlar markazlashgan kanalizatsiya tizimining yo'qligidan azob chekaypmiz, - deydi Xo'jamurod Qo'shoqov. - Bir-ikki oy ichida to'ladigan 40 ming kublik bitta oqova quduq'ini tozalash uchun maxsus assenizator mashinasi 10-12 marta chiqindixonaga qatnashi kerak. «Toza hudud» DUK tuman bo'limiga murojaat qilsak, ular doim band, bu yaqin orada vaqti bo'lmaydi. Hatto shartnoma qilgan uylarni ham o'z vaqtda tozalashmaydi. Va'da berishadi-yu, bajarishmaydi. Mana kunlar isib ketyapti, badbo'y hiddan ko'pqavatli uylarning oldidan o'tib bo'lmaydi.

Tumanning Mustaqillik, Namuna va Buloqboshi mahallalaridagi ko'pqavatli uylarning markazlashgan kanalizatsiya tizimi yo'q.

- Kanalizatsiya yo'qligi eng og'ir nuqtamiz, - deydi «Samarqand suv ta'minoti» AJ tuman filiali bosh muhandisi Rahimjon Abduvohidov. - Ilgari ham markazlashgan kanalizatsiya tarmoqlari uchun ko'p marta rejalar qilingan, mablag'lar ajratilgan bo'lsa-da, turli sabablardan bilan bu ishlar amalga oshmay qolgan. Biroq 2025-2026-yillarda tuman markazidagi ko'pqavatli uylar, ijtimoiy soha obyektlari va tadbirkorlik sub'ektlarini o'zaro bog'lovchi 19,5 kilometr masofada markazlashgan oqova suv tarmog'i bir kecha-kunduzda 3 ming metr/kub quvvatga ega bo'lgan oqova suv tozalash inshooti qurish rejalashtirilgan.

Agar ko'zda tutilganidek, tumanning Do'stlik mahallasi hududida oqova suvni qayta ishlash inshooti qurilib, 23,5 kilometr tarmoq tortilsa, tuman markazidagi barcha ko'pqavatli uylardagi aholi xonadonlari, 210 dan ziyod tadbirkorlik subyekti va 13 ta ijtimoiy soha obyekti oqova suv muammosi hal bo'ladi.

Dilmurod TO'XTAYEV,
“Zarafshon” muxbiri.

Bir jumlada



Viloyat hokimligida Respublika Bosh prokurori o'rinbosari D.Kasimov ishtirokida investitsiya dasturlarining bajarilishi, oila va xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash hamda tijorat banklaridagi muammoli kreditlarning undirilishi ahvoli yuzasidan videoselektor yig'ilishi o'tkazilib, aniqlangan kamchiliklar, yo'l qo'yilgan xatolar bo'yicha mas'ullarga topshiriqlar berildi.

Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetida Xitoy kompaniyalari bilan universitet va sanoat korxonalari hamkorligi markazi ochildi.

Respublika oila va xotin-qizlar qo'mitasi hamda Ma'naviyat va ma'rifat markazi hamkorligida o'tkazilgan “Ayol - qadriyatlar davomchisi” tanlovining viloyat bosqichida Bulung'ur, Ishtixon va Samarqand tumanlari jamoalari g'olib bo'ldi.

Nurobod tumanidagi Oqsoy qishlog'ida oilaviy mehmon uylari, esdalik sovg'alari savdosi, ekoturizm va agroturizm kabi bir qator turizm xizmatlari tashkil etilib, hudud turizm qishlog'iga aylantiriladigan bo'ldi.

«Dinamo» jamoasi Superliganing 5-turi doirasida Jizzaxning «Sug'diyona»siga qarshi o'yinda durangga erishib, turnir jadvalida oltinchi o'rindan joy oldi.

Jismoniy va yuridik shaxslarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishda nizolarni o'zaro tinch (diplomatik) yo'l bilan hal etish orqali sudlarda ish hajmini maqbullashtirishda kelishuv bitimi va mediativ kelishuv institutlari muhim ahamiyat kasb etadi. Xo'sh, ularning qanday umumiy va farqli jihatlari mavjud?

Kelishuv bitimi va mediativ kelishuv

bir-biridan nimasi bilan farq qiladi?

Kelishuv bitimi – o'zaro kelishishga asoslangan va nizoni hal qilish yuzasidan taraflarning yozma kelishuvi hisoblanadi.

Oliy xo'jalik sudi plenumi-ning 2009-yil 18-dekabrdagi "Iqtisodiy sudlar tomonidan kelishuv bitimini tasdiqlashda protsessual qonun normalari-ning qo'llanilishiga oid ayrim masalalar to'g'risida"gi qarori 2-bandida berilgan tushuntirishga ko'ra, kelishuv bitimi deganda, o'zaro kelishishga asoslangan, da'vo talabi (talablari)ga nisbatan aniq-likka erishishga qaratilgan, nizoni hal qilish to'g'risidagi taraflarning yozma kelishuvi tushuniladi.

"Mediatsiya to'g'risida"-gi Qonunning 4-moddasiga ko'ra, mediatsiya — kelib chiqqan nizoni taraflar o'zaro maqbul qarorga erishishi uchun ularning ixtiyoriy roziligi asosida mediator ko'magida hal qilish usulidir. Mediativ kelishuv esa mediatsiyani qo'llash natijasida mediatsiya taraflari tomonidan erishilgan kelishuv hisoblanadi.

Ular umumiy jihati shundaki, ikkisi ham nizolarni tinchlik va murosa (diplomatik) yo'li bilan hal qilishga qaratilgan nizolarni muqobil hal qilish usulidir.

Shu bilan birga, Fuqarolik protsessual kodeksi 166-moddasi 2-bandiga muvofiq, kelishuv bitimi yoki mediativ kelishuv da'vo tartibida yuritiladigan har qanday ish bo'yicha tuzilishi mumkin.

Farqli jihatlar esa avvalo, kelishuv bitimi fuqarolik sud ishlarini yuritishning har qanday bosqichida va sud hujjatini ijro etish jarayonida, mediativ kelishuv esa birinchi instant-siya sudida sud alohida xona (maslahatxona)ga sud hujjatini qabul qilish uchun chiqquniga qadar taraflar tomonidan tuzilishi mumkin deb ko'rsatib o'tilgan. (FPK 166-moddasi);

Kelishuv bitimi u sud tomonidan tasdiqlanganidan keyin tuzilgan hisoblanadi,

mediativ kelishuvni esa tasdiqlash talab etilmaydi.

Kelishuv bitimini tasdiqlash to'g'risidagi masala sud majlisida taraflar albatta, ishtirok etgan holda ko'riladi, bunday kelishuv notarius tomonidan tasdiqlangan hollar bundan mustasno. Ishda ishtirok etuvchi shaxslar sud majlisining vaqti va joyi haqida xabardor qilinadi.

Kelishuv bitimini tasdiqlash to'g'risida ajrim chiqariladi, unda ish yuritish tugatilganligi ko'rsatiladi.

Taraflar o'rtasida mediativ kelishuv tuzilgan bo'lsa, da'vo arizasi ko'rmasdan qoldiriladi, bunday holatda da'vogar sudga da'vo arizasi bilan umumiy tartibda yangidan murojaat qilishga haqli.

Taraflar o'rtasida kelishuv bitimi bo'yicha shartlashilgan majburiyatlarni bajaraslik huquqiy oqibatlarni keltirib chiqaradi.

Mediativ kelishuvda esa garchi taraflar ma'lum majburiyatlarni bajarish haqida kelishgan bo'lsalar-da, hech qanday huquqiy oqibat keltirib chiqarmaydi. Shunga ko'ra, mediativ kelishuv shartlari bajarilmagan taqdirda, taraflar takroran sudga murojaat etishga haqli.

Agar kelishuv bitimida sud xarajatlarini taqsimlash haqidagi shart mavjud bo'lmasa, sud bu masalani kelishuv bitimini tasdiqlash chog'ida, umumiy tartibda hal etadi. Taraflar o'rtasida mediativ kelishuv tuzilib, da'vo arizasi ko'rmasdan qoldirilgan taqdirda esa da'vo arizasi taqdim etishda oldindan to'langan davlat boji da'vogarga qaytariladi.

Kelishuv bitimi va mediativ kelishuv institutlari taraflarga o'rtalarida yuzaga kelgan nizoli masalalarni o'zaro kelishuv, diplomatik yo'l bilan hal qilish usullari bo'lib, nizoli vaziyatning murosai madora yo'li bilan barham topilishiga xizmat qiladi.

Furqat ANOROV,
violat sudi sudyasi.

Сен ерга боқсанг, ер сени боқади

Баҳорнинг илк кунлариданоқ деҳқонлар дала юмушлари билан шуғуллана бошлайди. Бугун нафақат кенг далада, балки мўъжазгина томорқасида ҳам меҳнат қилиб, мўмайгина даромад қилаётганлар сафи кенгайиб борапти. Аммо бор имкониятдан унумли фойдаланишни эплай олмайдиган айрим ёшлар эса ишсизлик муаммосига дучор бўлиб, пул топиш илинжида ҳали у давлатга, ҳали бу давлатга бориб, сарсон бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз Иштихон туманида бўлиб, аҳоли томорқаларидан қай даражада фойдаланаётганига қизиқдик.

5 СОТИХ ЕРДАН 70 МИЛЛИОН ДАРОМАД

Туманнинг Бешариқ маҳалласи Қозоқовул қишлоғида бир хонадон бор. Ҳовлисидаги томорқа майдони бор-йўғи 5 сотих. Аммо бир қарич ҳам ери бўш турмайди.

– Ҳар йили февраль ойининг илк кунларида томорқамизнинг 4 сотихига қўлбола иссиқхоналар қурамиз, – дейди хонадон бекаси Тамара Султонова. – Бу ерда помидор, бодринг, булғор қалампири кўчатларини етиштирамиз. Март ойида эса бозорга чиқаришни бошлаймиз. Бўшаган жойга яна уруғ қадаймиз. Июль ойига қадар 3-4 мартагача кўчат

ди. Худудимизда яйлов йўқ. Шунинг учун айрим томорқа эгалари қорамолига озуқа сифатида 1-2 сотих ерда беда етиштиради ва йилига 4-5 марта ўриб олади. Томорқада етиштирган кўчат ва саб-завотлардан ташқари, бозорга сут-қатик, сарёғ ва гўшт маҳсулотларини ҳам чиқариб сотади.

ЭНДИ ИШТИХОНДА ҲАМ МАЛИНА ЕТИШТИРИЛАДИ

Туманнинг айнан Бешариқ маҳалласи фермер хўжаликлари худудидан ишсиз ёшлар учун ажратилган ер майдонининг 1 гектарига малина кўчат-



етиштириб сотамиз. Кейин иссиқхонани бўзиб, жойига кечки экин, қарам ёки маккажўхори екамиз. Шу ернинг ўзидан йилига 70-80 миллион сўм даромад топяпмиз. Бир неча йиллардан бери томорқадан кўчатимиз эвазига уйимизни таъмир-ладик, тўйлар қилдик. Ҳовлида турган "Malibu" ҳам шу ернинг орқасидан.

"ИШСИЗЛИК МУАММОСИ БИЗГА БЕГОНА"

Бу оилада меҳнатга лаёқатли 4 киши бор. Уларнинг барчаси шу иш билан банд.

– Меҳнат қилмаса, топган пулини ақл билан сарфлашни билмаса кишининг ҳаёти фаровон бўлиши даргумон, – дейди Т.Султонова. – Иссиқхонадан топган даромадимизга қорамол олиб боқамиз. Гўштини янги йил байрами арафасида сотамиз. Ҳовлимизнинг ёнгинасидан маҳалладошларимиз учун дўконча ҳам очганмиз. 20 йилдан бери иссиқхона билан шуғулланамиз. Шунча йилдан бери ўзимни ва турмуш ўртоғимни, қолаверса, бугунги кунда ўғлим ҳамда келинимни ҳам ишсизлик муаммоси қийнагани йўқ.

ТОМОРҚАЛАРДА БЕДА ЭКИЛГАН. НЕГА?

Маҳаллада ҳар бир томорқадан имкон даражасида унумли фойдаланишга ҳаракат қилинади. Аммо айрим томорқаларнинг бир қисмида беда экилганига гувоҳ бўлдик.

– Маҳалламизда 835 та хонадон бўлиб, уларга тегишли 128 гектар томорқа майдони бор, – дейди маҳалла раиси Обиджон Рўзиев. – Аҳолининг аксарияти иссиқхоналарда кўчат етиштиради. Шунингдек, чорвачилик билан ҳам шуғуллана-

лари экилди.

– Бир неча йилдан бери мени ишсизлик муаммоси қийнаб келарди, – дейди Қатағон қишлоғи ёшларидан бири Сарвара Хуббимова. – Ўтган йили аукцион савдоси орқали ижарага ер берилгангани ҳақида хабарни эшитдим ва унда қатнашиб, уйимизга яқин худуддан 30 сотих ер ютиб олдим. Бу йил эрта баҳорда маҳалламиздаги ҳоким ёрдам-чиси ва банк ходимлари маслаҳатига кўра, қўш-



ниларим билан ижарага олган еримизда малина етиштирадиган бўлдик.

Туманда янгилик бўлган бу юмуш билан шуғулланиш осон эмас. Шунинг учун малиназор барпо этиш истагидаги ёшлар унинг сир-асрорларини кўп йиллик тажрибага эга жомбойлик деҳқонлардан ўрганишни бошлади.

– Жомбой туманига бориб, малина етиштиришни ўрганиб келяпмиз, – дейди С.Хуббимова. – Кўчатларни ҳам улардан сотиб олишга қарор қилдик.



Яхши ҳосил олиш учун ҳар бир қаторга бетон устунлар ҳам ўрнатиш керак экан. Бунинг учун эса 50 миллион сўм сарфлашимиз лозим эди. Бунча пулни топишнинг ўзи бўлмайди. Шунда банк ходимлари бизга имтиёзли кредит олишимизга кўмаклашди. Шундай қилиб, кўчатларни ўтказдик. Бетон устунларни ўрнатдик. Малина йилига икки марта ҳосил берар экан. Яхши натижа кутиб туриб-миз. Насиб этса, кредитни ҳам вақтида қайтариб, рўзгоримизга мўмай даромад келтирамиз.

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИНИНГ 31 НАФАРИ ХОРИЖДА

Маҳалла аҳолисининг 1281 нафарини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

– 100 дан зиёд ёшларимиз иссиқхона билан шуғулланиши ҳисобига ўзини-ўзи банд қилган, – дейди маҳалла ёшлар етакчиси Шаҳзод Абдуқодиров. – Худудимизда банд бўлмаган ёшнинг ўзи йўқ. Шунинг учун бўлса керак, 3 йилдан бери маҳалламизда жиноят қайд этилмади. Ўтган йили 5 нафар йигит-қиз "Ёшлар дафтари"га киритилди ва барчасига ёрдам кўрсатилиб, рўйхатдан чиқарилди. Айни пайтда 7 нафар ёш "дафтар"да турибди. Бугунги кунда 31 нафар ёш ишлаш учун хорижга кетган. Ўтган йили ташки меҳнат миграциясидан қайтган 4 нафар ёшга аукцион орқали ижарага ер

берилишига кўмаклашилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда ўтказилган йиғилишда масъулларга аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланишлари учун эътиборни кучайтириш топшириғи берилгани ҳам бежиз эмас. Бунинг натижасида табиат яшиллигига, хонадонлар кўркамлигига, ишсизлик муаммосининг бартараф этилишига эришилмоқда.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

2025-yil tabiat va atrof-muhitni saqlash yili bo'lgani uchun men ham tabiat va ekologiya haqidagi anchadan beri band etib kelayotgan fikrlarni keng jamoatchilik hukmiga avvala qilishni lozim topdim. Kelajak avlodlarga bizdan nima qolishi kerak? Axir yaqin o'n yillar ilgari o'qatdan bo'shagan qozon-tovog'imizni uyimiz oldidan oqib o'tuvchi ariqqa yuvib olardik. Osh-ovqatimizga ishlatish uchun toza vodoprovod suvlari bo'lgani uchun idish-tovoqlarni, ayronidan bo'shagan xaltalarni ariq suviga yuvardik. Chunki o'sha paytlarda uning suvi toza edi...

KASRI KIMGA URADI?

Mana, o'n-o'n ikki yillardan beri ariq suvlari ifloslanib ketdi. Endi ariqqa kosa-tovog'imizni yuvqanimizni biron kishi ko'rib qolsa, burnini jiyirmasdan o'tib ketmaydi. Buyam mayli, albatta, to'xtab, dakki beradi - ariqqa qaysi xonadon hammomi oqovasini tashlab qo'ygani-yu qaysi uy egalari hojatxonasidan quvur chiqarib qo'yganini aytib beradi. Lekin hech kim o'sha xonadon egasiga borib, "nega unday qilyapsan?" demaydi. Hamma o'z tinchini o'ylaydi...

Serquyosh o'lkamiz azaldan mo'tadil iqlimidan tashqari, sharqiragan soylari-yu undagi zilol suvlari bilan dunyo ahlini lol qoldirib kelgan. Qadim yurtimizning oqar suv havzalari bizning davrimizga - ayni bugungi kunga kelib, qanday ahvolda?

Ota-bobolarimiz ko'z qorachig'idek asrab-avaylab,

Suvning uvoli tutmasin!

Yoxud suvga bo'lgan munosabatimiz xususida mulohaza



necha asrlar osha olib kelgan dov-daraxtlarga, ona tabiatga, oqar suvlarga ko'r-ko'rona hujum boshladik. Bugungi kunda na shahar, na qishloqlardagi birorta suv havzasi yo'qki ifloslanmagan bo'lsin.

Biz bu holga ko'nikib, uni oddiy hol sifatida qabul qilishga o'rgandik.

O'ylab o'yimga yetolmayman, nega fikrlamay qo'ydik, bu holatning kasri kimga uradi?

MENGA, SIZGA – BARCHAMIZGA YANA SAVOL

Markaziy yo'llar atrofidan oqib o'tuvchi kanallar, ariqlar ichiga qarasangiz nimalar yo'q'q'!

Son-sanoqsiz yelim idish, tovuq patlari, molning ichak-chavovqlari, eski kalish, shippaklar, pamperslar-gacha - hamma-hammasi suvga tashlangan. Shu iflos

chiqindilar oralab esa zilol suv - Xudoning bizga bergan tengsiz ne'mati, butun tiriklikning, odamzotning, tabiatning gullab-yashnashi uchun eng kerakli bo'lgan obi-hayot oqib turibdi.

Suv havzalaridagi ko'z ko'rib, quloq eshitmagan bunday iflosliklar endi jim turish fursati o'tganini, bong urish, hayqirish kerakligini anglatadi. Ming afsuski, hozir juda ko'p kichik korxonalar, oshxona-yu baloyu battarlar o'z chiqindilarini suvga tashlayotgani hech kimga sir emas. Kattayu kichik suv havzalarining qaysi biriga qaramang, hammasida turli chiqindilar oqib yotganini ko'rib, dilingiz sufton bo'ladi. So'ngsiz savollar quyilib kelaveradi: bu iflos oqova o'rnida sharqiragan zilol suv oqsa yaxshi emasmi?

TABIAT INJIQLIGIGA XUDBINLIGIMIZ SABABMASMIKAN?

Diyorimizda suv resurslari yildan yilga kamayib bormoqda. Orol dengizi qurigandan keyin navbat katta-kichik daryo-soylarimizga keldi. Mana, ikki yildirki, uyimiz oldidan oqib o'tuvchi ariqlarda qishin-yozin bir tomchi suv yo'q. Nega shunday bo'lyapti?

Bolalik paytlarimda saraton pallasida suv qirg'oqlarini yemirib, tog'day-tog'day ulkan jarliklarni ichiga nuratib, vahshat bilan guldurosini suron solib, domiga nima ilinsa, oqizib ketuvchi qadimiy Zarafshon daryosida yoz chillasida ham suv yo'q.

Dolzarb mavzu

Daryo, kanal, ariqlarimizdagi suvlar qurib borayotgani uchun yer osti suvlariga hujumga o'tdik. Zarafshon daryosi qirg'oqlaridagi temir-tersak, beton, yana allambalalar uyumlarini ko'rgan insofi bor odamning aqli shoshadi. Daryo qirg'oqlaridagi yashnab turgan dov-daraxtlar o'rnida paydo bo'lgan tonnalab axlat uyumlarini nima bilan oqlab bo'ladi?

Alhazar! Obi hayotga qilayotgan ko'r-ko'rona hujumlarimiz uchun Xudo bizni albatta jazolaydi. Yaratgan egam "Men bergan ne'matlarni xor qilgan bandalarimni kechirmayman!" degan.

Asli Tojikiston tog'laridan boshlanib, yuzlab irmoqlardan bir butun yaxlit daryo - Zarafshon bo'lib, yurtimiz sarhadlari uzra oqishining o'zi Yaratganning bizga bergan tengsiz ne'mati edi-ku! Shu qadim daryo tufayli ro'yi zamin sayqali Samarqand vujudga kelgan-ku!

Zarafshonning bir irmog'i bo'lgan Darg'om kanali ham yildan yilga suvsizlanib boryapti...

CHASHMANI UNUTDIK...

Yaqinda bir kichik tadqiqot o'tkazib ko'rdim. Yoshlardan chashma so'zining ma'nosi, umuman, u nimani anglatishini so'radim. Chashma yer ostidan chiqayotgan suv manbai va uning suvi ekanligini biladigan

o'g'il-qizlar topilmaganidan hayratga tushmadim...

Salomat MAMATQULOVA.



Mazkur maqolaning davomini elektron shakli bilan ushbu QR-kod orqali o'qishingiz mumkin.



**2024-yil 8-noyabrdan
“O'zboshimchalik bilan egallab olingan
yer uchastkalariga hamda ularda
qurilgan binolar va inshootlarga
bo'lgan huquqlarni e'tirof etish
to'g'risida”gi Qonun kuchga kirdi.**

Ushbu qonun ijrosi bo'yicha viloyat kadastr idoralari tomonidan dastlabki xatlov natijalariga ko'ra Samarqandda 400 mingdan ortiq fuqaroning o'zboshimchalik bilan egallab olingan yer uchastkalarini hamda ularda qurilgan bino-inshootlarga nisbatan huquqlari e'tirof etilmaganligi aniqlandi.

Viloyat matbuot uyida o'tkazilgan navbatdagi matbuot anjumanida viloyat adliya boshqarmasi boshlig'ining birinchi o'rinbosari O.Shodiqulov mazkur jarayon va dastlabki natijalar haqida ma'ulumot berdi.

- 2024-yilda 47 ta mahallada hamda 2025-yilning 31-martigacha 75 ta mahallada xatlov ishlari olib borilishi belgilangan edi, - deydi viloyat adliya boshqarmasi boshlig'ining birin-

Jarayon boshlandi lekin ishlar ko'ngildagidek emas

chi o'rinbosari Ozod Shodiqulov. - O'tkazilgan tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, viloyat kadastr idoralari xatlov jarayonlarini to'g'ri tashkil qilmaganligi, kadastr agentligi tomonidan qo'yilgan har bir xodimga xatlov qilish rejalari bajarilmaganligi oqibatida 2025-yilning 31-mart holatiga reja-jadvalda belgilangan 122 ta mahalladan atigi 47 tasi (38 foiz)da xatlov ishlari amalga oshirilgan. Samarqand shahrida xatlov ishlari umuman qoniqsiz tashkil qilinganligi sababli Samarqand shahar kadastr bo'limi tomonidan 2024-yilda 12 ta mahallada hamda 2025-yilning 27-mart kunigacha 27 ta mahallada xatlov ishlari olib borilishi belgilangan bo'lsa-da, shu paytgacha 2 ta mahallada (5,1 foiz)xatlov ishlari amalga oshirilgan. Bu respublikada eng past ko'rsatkich bo'lib qolmoqda. Kamchiliklarga yo'l qo'ymaslik uchun

va aniqlangan holatlarni bartaraf etish yuzasidan viloyat adliya boshqarmasi tomonidan kadastr idoralariga 6 ta ogohnoma va 1 ta taqdimnoma kiritildi.

Viloyatda 1126 ta mahalla bo'lib, kadastr idoralari tomonidan hozirgacha 6,5 mingdan ortiq kadastr yig'ma-jildini bazaga kiritish jarayoni boshlangan. Viloyat adliya boshqarmasi 30 nafar fuqaro tomonidan o'zboshimchalik bilan egalab olingan yer uchastkalariga nisbatan huquqni e'tirof etish uchun hujjatlarni 22 ta vakolatli tashkilotning xulosasi asosida xalq deputatlari viloyat Kengashiga taqdim etdi. 2025-yil 10-aprelda o'tkazilgan xalq deputatlari viloyat Kengashining 10-sessiyasida 30 ta uy-joyga nisbatan mulk va ijara huquqlari e'tirof etildi.

O'ktam XUDOYBERDIYEV.



Xalqaro hamkorlik oliy ta'lim muassasalarida raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlashda muhim hisoblanadi. Shu bois Samarqand davlat chet tillar institutida xorijiy mamlakatlar oliy o'quv yurtlari bilan hamkorlik qilishga alohida ahamiyat berilmoqda. Institut yaqinda Qozog'iston Respublikasining Y.A. Buketov nomidagi Karaganda universiteti bilan manfaatli va strategik ahamiyatga ega hamkorlikni yo'lga qo'ydi.

O'zaro imzolangan memorandumda ilmiy tadqiqotlar o'tkazish, professor-o'qituvchilarning malaka oshirish kurslarida ishtirok etishi, talabalar o'rtasida akademik almashinuvlar va ilmiy-amaliy konferensiyalarda qatnashish kabi faoliyat turlari nazarda tutilgan.

Ilmiy tadqiqotlarimiz nafaqat akademik maqsadlarga, balki amaliy samaradorlikka ham ega bo'lib, ikki mamlakatning ilmiy jurnallarida maqolalar chop etilmoqda, hamkorlikdagi tadqiqotlarimiz natijalari e'lon qilinmoqda.

Joriy yil boshida Karaganda universiteti xorijiy tillar fakulteti dekani, professor G.Tleujanova boshchiligidagi qozog'istonlik pro-

fessor-o'qituvchilar institutimizda bo'lib, bakalavrait va magistratura bosqichidagi dars mashg'ulotlari bilan tanishdi. Qo'shma ilmiy tadbirlar va konferensiyalar tashkil etish, o'qitish metodlari bo'yicha tajriba almashish masalalarini muhokama qildilar. Karaganda universiteti dotsenti B.Jankina tomonidan institutimizning nemis filologiyasi kafedrasida o'qituvchilari uchun master klass o'tkazildi. Dotsent E.Tajibayeva ingliz tili fani o'qituvchilarimiz uchun fanni o'qitishning dolzarb masalalari yuzasidan seminar tashkil etdi.

Akademik mobillik bo'yicha hamkorlik doirasida magistrantlarimiz uchun lingvodidaktika hamda konseptologiya va semantika fanlari o'qitiladigan bo'ldi. Ayrim magistrantlarimiz esa Karaganda universitetida ta'lim olish imkoniyatini qo'lga kiritdi.

Kelishuvga asosan joriy yilning aprel-may oylarida professor-o'qituvchilarimiz Karaganda universitetida stajirovka o'tashi rejalashtirilgan.

**A.SHERMATOV,
SamDChTI ingliz tili nazariyasi
va amaliyoti kafedrasini mudiri,
dotsent.**

**Мамлакатимизда илм-фан тараққиёти
учун муҳим, ислохотлар олиб
борилмоқда. Ёшларимиз халқро фан
олимпиадаларида қатнашиб, совринли
ўринларни қўлга киритмоқда. Бундай
натижаларга эришишда устозлар, фидойи
олимларнинг ҳиссаси бекиёс. Ана шундай
олимлардан бири биология фанлари
доктори, профессор Эшон Нуридтиновдир.**

Физиологлар мактаби асосчиларидан эди

Э.Нуридтинов 1944 йил 15 апрелда Паст Даргом туманининг Оксой қишлоғида (ҳозирги Нуробод тумани) туғилган. 1961 йилда ўрта мактабни битириб, Тожикистон давлат университетининг табиатшунослик факультетига ўқишга кирди. Университетни битиргач, Россия Фанлар академияси физиология институтида аспирантурани, эволюцион физиология ва биокимё институтида докторантурани ўтади.

Дастлабки илмий фаолиятини хорижий давлатларда олиб борган устоз мустақиллик йилларида педагогик фаолиятини Самарқанд давлат университетининг биология ҳамда жисмоний маданият факультетларида олиб борди. Профессор талабаларга “Олий нерв фаолияти”, “Ўйку физиологияси”, “Спорт физиологияси” каби фанларни ўтиш билан бирга фан номзодлари, фан докторлари тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатди.

1993-1998 йиллар мобайнида Э.Нуридтинов биология факультетининг одам ҳамда ҳайвонлар физиологияси ва биокимё кафедраси mudiri лавозимида ишлаб, кафедранинг илмий-педагогик салоҳияти ошишига ҳисса қўшди. Устоз умрининг охириги йилларида ҳам университетнинг жисмоний маданият факультетида самарали фаолият олиб



борди. Самарқандда физиологлар мактабининг шаклланишига ҳисса қўшди. 300 дан ортиқ мақола ва тезислари, 6 та дарслик, 14 та монография, 15 дан ортиқ ўқув қўлланмалари, 30 дан ортиқ услубий қўлланмалари нашр қилинди.

Устоз раҳбарлигида 6 та фан номзодлиги (PhD) ва 1 та докторлик (DSc) диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Домла нафақат илмфан фидойиси, балки камтарин, меҳрибон ва тўғри сўз олим сифатида ҳам шоғирдлари қалбидан чуқур жой эгаллади.

Бешафқат ўлим 2019 йилда у кишини ораимиздан олиб кетди. Етук фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор Э.Нуридтиновнинг хотираси шоғирдлари қалбида сақланади.

**Бахриддин БОЗОРОВ,
Самарқанд давлат
университети доценти.
Мирзааҳмад ХУЖАБЕКОВ,
ассистент.**

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

KORRUPSIYA —

ENG KATTA TO'SIQ

Joriy yil 5-mart kuni davlatimiz rahbari ishtirokida Korruptsiyaga qarshi kurashish milliy kengashining yig'ilishi o'tkazilib, unda yurtimizda korruptsiyadan xoli muhit yaratish bo'yicha qilingan ishlarga baho berildi va kelgusi vazifalar belgilandi.

Milliy kengash yig'ilishida ko'tarilgan dolzarb masalalar va davlatimiz rahbari tomonidan ilgari surilgan tashabbuslar “O'ztransgaz” aksiyadorlik jamiyati tasarrufidagi Samarqand magistral gaz quvurlari boshqarmasida jamoa a'zolarining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish, ularda korruptsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish maqsadida tashkil etilgan navbatdagi tadbirning asosiy mavzusi bo'ldi.

Samarqand magistral gaz quvurlari boshqarmasining rahbar va muhandis-texnik xodimlari qatnashgan ushbu tadbir-da dastlab Korruptsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi, uning tarkibi va asosiy vazifalari haqida batafsil ma'lumot berildi. Turli vazirlik, idora va tashkilotlar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi ushbu kollegial organ yig'ilishi ilk marotaba parlament va hukumat a'zolari, jamoatchilik vakillari bilan muloqot tarzida o'tkazilgani va shuning o'zi ham korruptsiyaga kuchli siyosiy irodani namoyon etgani ta'kidlandi.

Shuningdek, yig'ilishda davlatimiz rahbari tomonidan 55 ta aniq maqsadga yo'naltirilgan tashabbus ilgari surilgani alohida e'tirof etilib, ular doirasida 5 ta qonun, 12 ta farmon va qaroqlar ishlab

chiqilishi, korruptsiyaga qarshi kurashishning huquqiy asoslari kuchayishi, bu borada parlament, milliy va hududiy kengashlar, fuqarolik jamiyati institutlarining roli oshirilishi, deklaratsiyalash, noqonuniy boylik o'tirishga oid yangi tartiblarni kiritilishi natijasida korruptsiya omillari cheklanishi, Korruptsiyaga qarshi kurashish agentligi va tashkilotlardagi ichki nazorat tuzilmalari faoliyati kuchaytirilishi, boshqa ijobiy o'zgarishlar yuzaga kelishi bildirildi.

Tadbirda Samarqand magistral gaz quvurlari boshqarmasi boshlig'i O'.Turovov, boshqarma yurist-konsulti O.Sultonov va komplaens-nazorati yetakchi mutaxassisi J.Yo'ldoshevlar so'zga chiqib, respublikamiz energetika sohasida o'z o'rniga ega bo'lgan mazkur jamoa a'zolari zimmasiga katta mas'uliyat yuklatilgani va har bir xodim, prezident ta'бири bilan aytganda, korruptsiyaga “jamiyat tanasidagi saraton” sifatida qarab, korruptsiyaviy holatlar



ro'y berishiga yo'l qo'yilmasligi, ularning fosh etilishi va oldini olishga o'z hissasini qo'shishi, korxona mulkini asrab-avaylash va korxona mablag'ini iqtisod qilishga intilib ish yuritilish zarurligini aytishdi.

Muhokama qilingan masalalar yuzasidan mas'ullarga qo'l ostidagi xodimlar bilan korruptsiyaga qarshi kurashish sohasida qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni o'rganish va ularga qat'iy rioya etilishini ta'minlash, korruptsiyaning oldini olish bo'yicha doimiy ravishda olib borilayotgan profilaktika hamda targ'ibot ishlari yanada kuchaytirish bo'yicha aniq topshiriqlar berildi.

DA'VOLAR BO'LSA...

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasida marhum Tashbekov Yarlakarga (2023-yil 24-sentabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 110-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasida marhum Mamadkulov Umarga (1995-yil 2-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasida marhum Ibragimov Musin Akbarovichga (2023-yil 3-mayda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 158-uy.

Toyloq tumanida xizmat safaridagi Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasida marhum Boboyev Abduvoyit Numonovichga (2011-yil 23-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosa-

bat bilan merosxo'rlarning Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Toyloq tumani Beruniy ko'chasi.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasida marhum Sitnikov Nikolay Danilovichga (2022-yil 7-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 51-uy.

BEKOR QILINADI

Past Darg'om tumanidagi “MALIKA SAXOVATLI BOG'li” fermer xo'jaligining (STIR: 301488894) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Samarqand shahridagi “BEST AVTO GAZ” mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 310988632) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Samarqand shahridagi “UMID AVTO DOM” mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 309388586) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Viloyat maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi tasarrufidagi 1-ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktab-internati jamoasi metodist-o'qituvchi, mehnat faxriysi To'ra Jo'rayevga turmush o'rtog'i **Mahkamtosh USMONOVA**ning vafoti munosabati bilan ta'ziya izhor etadi.

To'ylar haqida o'ylar



Odamlar ikki soatlik dabdaba uchun yillab ishlashga tayyor(mi?)

Ipak yo'li mahallasi tajribasini nega qo'llamaymiz?



“...– Nechta qo'y oldingiz?
– Bitta qo'zi.
– Ovozningizni o'chiring! Ha, o'nta qo'y nima bo'ladi?...”

1960-yilda suratga olingan “Mahallada duv-duv gap” filmi oradan shuncha vaqt o'tsa ham dolzarbligini yo'qotmagan.

Bugungi kunda to'y-hashamlar-da ortiqcha xarajat va dabdaba ortsa-ortyaptiki, kamaygani yo'q. Ayni shu masala davlat siyosati darajasiga ko'tarilib, to'ylarni ixchamlashtirish, dabdababozlikning oldini olish borasida me'yorlar belgilandi. Biroq bu ishlar qog'ozda qolib ketdi.

Shunday odamlar borki, topgan-tutganini farzandini o'qitish, kasb-hunarli qilishga sarflaydi. Aksincha, yana shunday toifa odamlar borki, ming azobda pul topib, mashina oladi, dabdabali to'y qiladi va eng zo'r xonandalarni chaqirib, yillab ishlagan pulini ikki soatda sovurib yuboradi. Qarzga botib, uni uzish uchun kuyib-pishib yana ishlaydi va kosasi oqarmay o'tadi.

Yaqinda ijtimoiy tarmoqda bir kishi ukasining nikoh to'yiga Hamdam degan qo'shiqchini olib kelish uchun tinmay mehnat qilayotganini yozibdi. “Hamdamni ukamning to'yiga chaqirish uchun mehnat qilyapman, oz qoldi, Xudo xohlasa. Hech esimdan chiqmaydi, shu qo'shiqchini ukamning to'yiga olib kelaman deganimda “Burningni suvini art, senga emas” degan insonlar uchun ham mehnat qilyapman oz qoldi, juda oz” deb yozadi u ijtimoiy tarmoqdagi sahifasida.

To'g'ri, hammaning ham orzu-havasi bor, lekin bir kunlik to'y yoki ikki soatlik dabdaba uchun yillab qiynalish qanchalik to'g'ri? Biz juda oriyatli, g'ururli xalqimiz. “Pul ketsa ketsin, obro' ketmasin” degan gap aynan bizlarga qarata aytilgandek go'yo. Shukur Xolmirzayevning “O'zbeklar” hikoyasida o'zbeklarning ana shu fe'li haqida gap ketadi. Ya'ni, o'zi jo'ja-birday cho'pon oilasi boshqalarga faqirligini ko'rsatishdan or qiladi. Hatto oyda yemaydiganini uyiga kelgan mehmonlarga bir kunda to'kib beradi.

Afsuski, hech vaqomiz bo'lmasa ham to'y-hashamlarda kimo'zarchilik, dabdababozlik qon-qonimizga singib ketgan. Masalan, kimdir to'y boshlashi

bilan masalihat oshidan to'y bo'ladi-gan kungacha yig'ilishlar, bordi-keldilar kunlab, ba'zan haftalab davom etadi. Yana to'yxonalar qimmat, har bir o'ringa, xonandalarga falon ming so'mdan xarajat, sarpo-salom va hokazo. Biroq “Qalovini topsang, qor ham yonadi”, deganlaridek, dabdali to'ylarni ham nazoratga olayotganlar bor.

Yaqin kunlarga qishlog'imizda ming kishilik to'ylar o'tkazilardi. To'ylar xoh uyda, xoh bazmoghda bo'lsin, barcha birdek atilardi. Ya'ni, bitta to'yga har bir oiladan uch-to'rt kishigacha borardi. Buning ustiga qo'shni qishloqlardan ham mehmonlar taklif etilardi. Og'izga tushgan bu to'ylarimizni mahalla faollari va oqsoqollari tartibga solishdi.

– Keyingi paytda to'ylarimiz dabdababozlik, ortiqcha xarajat va isrofgarchilikdan boshqa narsa bo'lmay qolgandi, – deydi Urgut tumanidagi Ipak yo'li mahallasi raisi Ma'mur Shodiyev. – Ayniqsa, o'ziga to'q oilalarning dang'illama to'y qilayotgani, boshqalarning bunga imkoni bo'lmasa-da, farzandlarini tengqurlaridan kam qilmaslik uchun dabdabali to'y qilishga chiranayotgani ko'pchilikni og'ir ahvolga tushirib qo'ydi. Mahallamiz ahli bilan kelishib, to'yga faqat taklifnoma orqali ko'pi bilan uch yuz kishi chaqirishga, dasturxonga tartiladigan noz-ne'matlarni ham me'yorida qo'yishga kelishib oldik. Albatta, xorijda ishlaydigan va tadbirkor fuqarolari-miz qarshilik ko'rsatgan vaqtlari bo'ldi. Ammo yoshi ulug' nuroniylarimiz bilan maqsad elga to'y berish bo'lsa, mahallamizdagi kam ta'minlangan oila farzandlarining to'yini o'tkazishda va qiyalib qolgan oilalarning kam-ko'stini to'ldirib berishda yordam berishlarini tushuntirdik. Mana, ikki yildirki, bu an'ana davom etib kelyapti.

Mahallada kamchiqim to'y qilib, orttirgan puliga uy qurgan, sharoitini yaxshilab o'g'il-qizini o'qitayotganlarni ko'raman. Demak, to'ylarni ortiqcha dabdaba va isrofgarchiliksiz ham o'tkaza bo'lar ekan. Buning uchun mahalla faollari, ko'pni ko'rgan yoshi ulug'larimiz tashabbus ko'rsatishi, birikib, odamlarni to'g'ri yo'lga boshlashi kerak.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.

Эрталабдан чарақлаб чиққан қуёш юзини ҳадемай қуюқ булутлар қоплаб олди. Бир-бирига мингашиб, қайгадир ошиқаётган ўркач-ўркач, қоп-қора булутлар гўё ҳозир осмондан ўзилиб, устингга қулаб тушадигандай, кўнгилга ваҳима солади. Атрофни ним қоронғулик чулғади. Осмоннинг аллақеридадир момақалдирак гўмбурлади. Бир пайт тепамда қарсиллаган момақалдирак бутун борлиқни титратиб юборди. Осмоннинг яна уч-тўрт жойида булутлар бағрини тилиб, чақмоқ чақнади.

Бадиҳа



Сигирлар, қўй-эчкиларни подага қўшиб, ортга қайтдим. Ҳалигина битта-иккитадан томчилаб турган ёмғир бирдан жалага айланди. Эғнимдан чопонимни ечиб, бошимга ёпиб олдим. У ер-бу ерда қўлмақлар ҳосил қилган пўртана энди ариқларга, сойларга томон оқа бошлади. Уйга қараб югурдим, то айвонга етгунча шалаббо бўлиб кетдим ўзиям.

Чопонни айвон устунига илиб, уйга кирдим. Ўчоқда олов гуриллайди. Печ ёнида чўкка тушиб, исина бошладим. Радиодан ёқимли тарона янграмоқда эди. Йигит билан қиз дуэт ижро этишяпти:

*Тол баргаги сочингда,
Севган ёшингда.*

*Иқболингга муяссар,
Ёринг қошингда.*

*Сеҳринг борми кўзингда,
Қалам қошингда.*

Танимга бироз илиқлик югуриб, қизиб олгач, жойимдан кўзғалдим. Таронага жўр бўлиб, дераза ёнига бордим. Дераза ойналарига юзимни тақаб, ёмғирни томоша қила бошладим.

Нақадавр гаштли...

Жала ҳамон шариллаб қуйиб турибди. Бироздан сўнг шовқин пасайиб, шариллаб қуйиб турган ёмғир бир текис ёға бошлади. Ҳув анави қирдан паства эниб тушаётган совлиқ ортидан эргашган эгиз қўзичоқлар онаси атрофида ўйноқлашиб, гоҳ орқага, гоҳ ёнга ўтиб, сакрашади.

Ёмғир тингач, ташқарига чиқдим. Бутун борлиқда яшариш, ўзгача жонланиш.

Кўкламнинг илк дарақчиси бодом қийғос гуллаган. Кейин шафтолию олмалар. Ана, ариқ ёқасидаги ўриклар гўё бошдан оёқ оқ либосга бурканиб, бир сафга тизилган пари қизлардек ҳарир қўйлақ қийишибди.

Икки-уч деҳқон кетмонларини елкаларига ташлаб, далага отланган. Ҳовлимиз ёнига ўтиб, қир томон ўрлайман.

Ҳожи оналар бошлиқ бир тўда хотин-халаж сумалак пиширишяпти. Савоб бўлади, дейишди момолар. Бир учига кафғир боғланган дастакни қўлимга олиб, сумалакни кўзгадим. Нарироқда «Тўққиз тош» ва «мак-мак» ўйнаётган қизларга:

– Қани, қизларим, қўшиқ айтмайсизларми? – деди момо. Қизчалар аввал сал ийманишиб туришди-да, секин қўшиқ бошлашди: *Бойчечагим, бойланди,
Қозон тўла айрондир.
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг вайрондир.*

Сокин бошланган қўшиқ бора-бора авжига чиқди:

*Қаттиқ ердан қадалаб
чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб*

чиққан бойчечак.

– Вой омон бўлгурлар-ей, – деди қўшиқ

ДОНОЛАР БИЛИБ АЙТАДИ

Йўқ сифатлар билан сени мақтаган кишидан йироқ бўл. У ғазабланса, тухмат билан сени ҳақоратлайди.

Абу Бакр Варроқ ТЕРМИЗИЙ.



тугагач, бир янга. – Айронимиздан бермасак, қозон-товоғимизни вайрон қиласизларми?

– Ўзи шунақа деб айтилади-да, – деди қизчалардан бири хижолатдан қизариб.

Барчалари қий-чув солиб қулишди. Бу ердан ўтиб, сой бўйига тушдим. Шарқираб оқаётган сой соҳилида бир гуруҳ одамлар ўчоққа қозон осиб, «дарвешона» (йил боши) қилишаётган экан. Мен ҳам бориб, улар тўдасига қўшилдим. «Қадриятларимиз абадий бўлсин», дейман дилимда.

– Дарвешона элимизнинг ободлиги, юртимизнинг тинчлиги учун қилинади-да, – дейди оқсоқол. – Бир жонлиқ сўйиб, қонини сойга оқиздик. Шунга ўхшаш қадимий, миллий удумларимиз йилдан-йилга ўтиб давом этиб боравериши учун қилинади, бу ишлар.

Яна юришда давом этаман. Юкхонаси тўла ниҳол қўчатлари ортилган машина гуриллаб келиб тўхтади. Нарироқдаги майдонда боғ-бонлар ток очиш билан банд. Токзор ёнидаги сайхонлиқда эса трактор гуриллайди.

– Анавини қаранг, – дейди оппоқ соқолли, юздан ошган қария. – Ўшанда ҳали ўттининчи йиллар эди. Халқ оч-юпун, қишлоқлар анча абгор эди. Биз – бўз йигитлар баҳорикорка қўш олиб чиқиб, омоч билан ер ҳайдардик. Бизнинг бир-икки ойда бажарган юмушимизни манави тракторга қўшилган темир омоч бир ярим, икки кунда уддалаб ташляпти. Хўп ажойиб замонлар бўлди-да.

– Маҳалламизда бугунгача беш юз тупдан ортиқ дарахт ниҳоллари эдик. Мана, яна бир ярим минг туп қўчат келтирдик, – дейди маҳалла оқсоқоли.

– Қани, отахон, – деди машинадаги қўчатларни тушириб бўлганлардан бири. – Энди бир дуо қилиб беринг, қўчат экишни

бошлаймиз!

Эҳ-ҳей, дейман ўзимча, «Яшил макон» лойиҳаси бўйича ҳар бир маҳалла йилгига икки минг тупдан дарахт ниҳоллари қадаса, юртимиздаги ўн минг маҳалла эккан дарахтлар ҳадемай ростмана ўрмонга айланиб кетади. Мана шундай савобли ишларга бош қўшаётган халқимизга, юртимизга тинчлик ва омонлик ато этсин, ниятларига етишга яратган эгам мададкор бўлсин!

Қир ён бағрида бир гуруҳ йигит-қизлар Наврўз сайлига йиғилган одамлар атрофида давра олиб, доира жўрлигида ёр-ёр айтишиб, лапарлар куйлашиб, шу ерга йиғилишган хотин-қизларни, янги тушган келинларни даврага қорлаб, рақсга тортисади. Баланд қир ён бағридан таралаётган ялла ва лапарлар овози қишлоқлар узра олис-олисларга ҳам етиб борапти:

*Дўст яли-яли яли дўст,
Дўст яли дў-ў-ст.
Яллашар кундир
бу кун.*

Қай бир тарафга қарама, бутун борлиқда яшариш, яшнатиш. Ҳаёт ана шундай завқ-шавққа тўлиб қайнайди кўкламда. Шундай гашт билан кунни кеч қилдим. Қишлоқ ора-лаб борарканман, аллақайси ҳовлидан таралаётган ялпиз хиди димоғимни қитиклайди. Кимдир тандирга кўк сомса ёппоқда.

Менга қарама-қарши тарафдан йигит билан қиз қўл ушлашиб келарди. Қизнинг бошида кўклам гуллари, анвойи ўт-ўланлардан ясалган чамбарак. Севишганлар нарироқдаги кўчага бурилиб кетишди. Ҳа, кўклам севиш-севилиш, яшаш-яшнатиш, меҳнат ва гашт фасли.

Ўринбой НОРМАТОВ.

Нуриддин Калоновнинг ижодий ишлари кўргазмаси очилди

Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Калонов 75 ёшга тўлгани муносабати билан Самарқанд шаҳрида "Самарқанд руҳи" ва "Устоз-шогирд" номли ижодий асарлар кўргазмаси очилди.



Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев иштирок этди ва Н.Калоновни табриклади.

Кўргазмада рассомнинг турли йилларда яратган асарлари намойиш этилди.

Фарзандингизни маърифат нуридан тўсманг

Бугун айрим давраларда китоб ўқиш ҳақида гап кетганда, кўпчилик тирикчилик важидан китоб ўқишга вақти йўқлигини айтади. Албатта, ризқ топиш, оиласи, фарзандларининг таъминотини қилиш биринчи масала. Аммо уларнинг маърифатли бўлиб вояга етишида ота-онанинг масъулияти муҳим ўринга эга. Йўқчиликни баҳона қилаётган кишига китоб нархи доим қимматдек туюлаверади. Биргина сотиб олинган китобни бутун оила ўқиши ва ундан манфаат олишини ҳисобга олсак, нотўғри фикрда юрганимиз ойдинлашади.

Яқинда бир маъракада даврадагилардан бир киши китоб ўқимаслиги, болаларига ҳам бирор марта китоб сотиб олиб берганини эслай олмаслигини мақтанганомо гапирди. “Нима қилади шу китобни, мол-қўйга қарасин, ер чопсин. Китоб қорин тўйдирармиди, ўзи шароит бир аҳволда бўлса”, деди у гапини ниҳоялаб. Қизиғи, айнан шу киши шароитидан нолимаса ҳам бўладиган, шу ерда ўтирганларнинг кўпчилигидан “қўли узун”роқ эди.

Бугун шу каби “қўли калталиги”дан китобга на пул, на вақт сарфлаётган

ҳамюртларимиз афсуски, салмоқли. Ота-боболаримизнинг ҳар доим “қўли узун” бўлмаган. Улар ҳам бир дастурхонда ўн-ўн беш жон ёвгон шўрва ичса-да, ўзи ва фарзандларини маърифат нуридан тўсмаган. Қоронғи кечаларда, ой ёруғида фарзандларига мўқаддас китобларни, энг сара мумтоз асарларни ўқиб, халқ оғзаки ижодини гапириб берган. Китоб ўқиган, илмли кишилар орасидан чиққан раҳбарлар миллатнинг бошини бириктира олган. Халқни ёруғлик томон етаклаган.

**Турди ТУРСУНОВ,
Пайариқ тумани.**

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 553 nusxada chop etildi. Buyurtma 179. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

F.RO'ZIBOYEV.


Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009
Sotuvda narxi kelishilgan holda

